



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 5 февраль, № 24 (9195)

Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИОРДАНИЯ БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Сенати Раиси Файсал Акиф Мисқал ал-Фаёз бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг самимий саломи ва тилақларини етказди.

Ўтган йили Самарқандда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Иордания кенг қамровли шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама алоқалар ва алмашинувлар фаол тус олгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда.

Парламентларда ташкил этилган “дўстлик гуруҳлари” ишини “Йўл харитаси” асосида фаоллаштириш, уларнинг давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашдаги ролини кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Савдо, саноат кооперацияси, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, жорий йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши ва етакчи компаниялар бизнес форумини натижадор қилиб ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ПОКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг таклифига биноан 5-6 февраль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Дастурга мувофиқ, Исломободда Покистон Президенти Асиф Али Зардорий, Бош вазир Шаҳбоз Шариф, Мудофаа кучлари Олий Бош қўмондони — Куролли Кучларнинг қуруқликдаги қўшинлар қўмондони, фельдмаршал Асим Мунир билан музокаралар ҳамда Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш масалалари олий даражадаги мулоқотлар кун тартибининг марказида бўлади.

Сиёсий мулоқотни кенгайтириш, икки мамлакат ҳукуматлари, парламентлари, ишбилармон доиралари ҳамда ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳатлари ҳар томонлама кўриб чиқилади.

Томонлар товар айирбошлашни оширишга, саноат, транспорт ва инфратузилма, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суришга ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратадилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида Қўшма декларация ва устувор соҳалар бўйича келишувларнинг салмоқли тўплами имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат етакчи ишбилармон доиралари вакилларининг қўшма бизнес форумида ҳам иштирок этади.

Ў.А.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилиш аввалида сўнгги йилларда Фарғона вилоятида амалга оширилган тизимли ислохотларнинг натижалари таҳлил қилинди. Ер ва қазилма бойликлари чекланган бўлишига қарамастан, ҳудудда иқтисодий диверсификация қилиш, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизматлар ва ахборот технологиялари соҳаларида барқарор ўсиш таъминланди.

Жумладан, аҳоли ҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2017 йилда 7 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб, 26,6 миллион сўмга етди ёки 3,8 баробар ўсди. Бу иқтисодий фаоллик ва аҳоли даромадлари сезиларли ошганини кўрсатади.

Бандлик ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича ҳам ижобий суръат қайд этилди. Ўтган йилда 519 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланиб, уларнинг даромадлари оширилди ва 53 минг оила камбағаллик реестридан чиқарилди. Эндилик-

да 2026 йил якунига қадар ишсизликни 3 фоизга, камбағалликни эса 2,7 фоизга камайтириш кўзда тутилмоқда.

Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида ҳам сезиларли ўсишга эришилди. Вилоятда 26 та йирик, 357 та ўрта ва кичик инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, салкам 3 миллиард доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Экспорт ҳажми изчил ошди, экспортчи корхоналарнинг сони кенгайди.

Қишлоқ ҳўжалигида ўтган йили 94,3 минг гектар майдонда 816,7 минг тонна галла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик 86,6 центнерни ташкил этди. Пахтачиликда 72 минг гектарда 324 минг тонна ҳосил олинди. Мева-сабзавот экспорти 403 миллион долларга етди. Томорқачилик ва ихчам иссиқхоналар орқали минглаб хондонлар барқарор қўшимча даромад манбаига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мактабгача таълим боланинг интеллектуал, ижтимоий ва маънавий ривожланишида ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Шу боис, сўнгги йилларда ушбу соҳада қамровни кенгайтириш, таълим сифатини ошириш ва хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилди. Натижада мамлакатимизда мактабгача таълим билан қамров 78 фоизга етди.

Шу билан бирга, қамровни 80 фоизга етказиш учун янги боғча ўринларини яратиш талаб этилади, 39 та туман ва шаҳарда эса боғча қамрови 70 фоиздан паст даражада қолмоқда. Шунингдек, давлат боғчаларида педагогларнинг 61 фоизи, нодавлат боғчаларида эса 76 фоизи ўрта махсус маълумотга эгалиги кадрлар салоҳиятини янада ошириш долзарб масала эканини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан тақдимотда мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича ишлаб чиқил-

ган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Жумладан, бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларининг таълим дастури мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида жорий этилади. Бунда болаларни мактаб таълимига пухта тайёрлаш, таълимда узлуксизликни таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Мактабгача таълим тизимида ўйинга асосланган таълим модели жорий этилиб, боланинг табиий қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёни ташкил қилинади. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув муҳити янгиланади.

Шунингдек, “Янги авлод” мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини шакллантириш режалаштирилган. 2026-2028 йилларда ҳар бир ҳудудда 120 ўринли “Янги авлод” давлат боғчалари ҳамда уларнинг таркибида Болаларни ривожлантириш инновацион марказлари ташкил этилади.

(Давоми 2-бетда).

Йиғилиш

СЕНАТНИНГ НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР КЎРИЛАДИ?

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг ўн учинчи ялпи мажлисини 2026 йил 5 февраль куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ялпи мажлис кун тартибида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир қатор масалаларни кўриб чиқиш назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар белгиланади ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 2025 йилдаги

фаолияти сарҳисоб қилинади. Шунингдек, сенаторлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, спортни оммалаштириш, шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонунларни кўриб чиқади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ислоний банк фаолиятини жорий этишга оид қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий ма-

комини белгилаш, муҳофазадаги табиий ҳудудлар бўйича қонунчиликни такомиллаштириш масалалари кун тартибидан ўрин олган. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш, 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар, ижтимоий соҳага ихтисослаштирилган давлат ва хусусий олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари ижросининг муҳокама этилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасига ҳудудларда инфратузилмани ривожлантириш, қурилиш ишларини тартибга солиш, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, алимент ундиритиш ҳамда тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича юборилган парламент сўровлари натижалари кўриб чиқилади. Ялпи мажлис доирасида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суд таркибларига ўзгартиришлар киритиш масалаларини ҳам муҳокама қилади.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2026 йил 5 февраль куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Ўзбекистон — Покистон: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. Икки дўст давлатнинг ўзаро манфаатлари — геосиёсий жойлашув, транспорт-логистика имкониятлари, иқтисодий салоҳият ва маданий яқинлик уларни табиий стратегик шерикка айлантираёттир. Президентлар ташрифлари ва олий даражадаги мулоқотлар муносабатларнинг қўламини ҳамда мазмунини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Биз ва жаҳон

Айтиш жоизки, ўзаро алоқалар, айниқса, иқтисодий йўналишда янги суръат билан ривожланаётганини кўришимиз мумкин. Савдо-сотик нуқтаи назардан иқтисодий соҳасида ҳамкорлик рақобатчи эмас, аксинча, бир-бирини тўлдириб тамойилга асослангани эътиборга молик. Шу маънода, ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини ошириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Рақамларга эътибор беринг, сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳамда Покистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 12 баробарга ошди, келгусида бу кўрсаткични 2 млрд. долларга етказиш мақсад қилинган.

Иқтисодий “сақраш” учун муҳим ташаббуслар

Шу ўринда савол туғилади: аввало, бунинг учун нимага эътибор қаратиш лозим? Келгуси устувор йўналишлар ҳақида гапирар эканмиз, оддий савдодан юқори қўшилган қийматга эга қўшма занжирларни шакллантиришга ўтиш, шунингдек, ахборот технологиялари, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш муҳим масала. Боиси савдо фақатгина ҳақиқий инвестициялар ҳамда самарали иқтисодий механизмлар мавжуд бўлгандагина барқарор ўсади. Бу йўналишда эса салмоқли ишлар бажарилган, десак, муболага бўлмайди.

Президентимизнинг 2022 йил Покистонга тарихий ташрифи давомда илк бор Имтиёзли савдо битими имзоланган эди. Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш саъй-ҳаракатлари изчил давом эттирилмоқда. Мақсад — маҳсулотларни давлатларимиз ўртасида тўсиқсиз ва энг қисқа муддатларда етказиб бериш тизимини яратилган иборат. Бундай эътибор ҳамда шарт-шароитлар ўзаро алоқаларни фаоллаштириб, яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 500 млн. долларга, келгусида эса 1 млрд. долларга етказиш учун мустаҳкам замин яратяди.

Ҳозирги савдо айланмаси 400 млн. доллардан сал кўпроқ бўлса-да, бу икки мамлакат ялпи ички маҳсулотининг атиги 0,1 фоизини ташкил этади. Аслида ўсиш учун имкониятлар жуда улкан. Аммо ҳамкорликнинг муваффақияти географик, демографик ва иқтисодий афзалликлардан тўлиқ фойдаланиш имконини берадиган самарали инфратузилмалар алоқалар ҳамда бозорлар интеграциясига боғлиқ. Шу маънода, айна вақтга қадар бўлиб ўтган давлат раҳбарларининг саммитлари ҳар иккала томоннинг иқтисодий, савдо, энергетика, таълим, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги алоқаларни қамраб олувчи кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилишини яққол кўрсатади.

Сенатор ва ҳаёт

МАҲАЛЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ – ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг иш режаларига мунтазам равишда ҳудудларга бориб фуқаролар мурожаатларини ўрганиш, маҳаллий даражада мавжуд муаммоларга ечим топиш каби вазифалар ҳам киритилган. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, "маҳалла еттилиги", жамоатчилик вакиллари ҳамда аҳоли билан бевосита мулоқотлар ташкил этилмоқда.



Тушаётган мурожаатлар ва ўрганишлар давомида аниқланаётган муаммоларнинг бир қисми жойида ҳал этилаётган бўлса, мураккаб ва қўшимча ўрганиш талаб қилувчи масалалар Сенат назоратига олиниб, уларни кўриб чиқишга тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари жалб этилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Кутбиддин Бурҳонов Янгихаёт туманида

ўрганиш ишларини олиб борди.

Мазкур жараён доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Ташкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ва жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича ўтказилган видеоселектор йўналишида белгиланган вазифаларнинг тумандаги ижроси атрофича таҳлил қилинди. Хусусан, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, жинойатчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаро-

ларнинг осойишталигини таъминлаш ҳамда аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этиш борасида профилактика инспекторлари ва "маҳалла еттилиги" томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги кўриб чиқилди.

Сенатор Ўзбекистон Солиқ қўмитаси раиси, Тошкент давлат юридик университети ректори, Янгихаёт тумани ҳокими ҳамда масъул раҳбарлар ҳамроҳлигида Хўшуд ва Янги Дархон маҳаллаларида бўлиб, ушбу йўналишда олиб борилган ишларни ўрганди. Жараёнда маҳаллалардаги профилактика инспекторларининг ҳисоботлари эшитилди.

Қўнда масъулларга муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал этиш, маҳалла институтининг ролни кучайтириш, аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, профилактика тадбирларини кучайтириш ҳамда маҳаллабай ишлар тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсия ва топшириқлар берилди. Шунингдек, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ

масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ ҳам Яшнобод тумани маҳаллаларида хавфсиз муҳитни таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бориши билан қизиқди.

Ўрганишлар доирасида тумандаги "Аргин" ва "Ҳосиятли" маҳалла фуқаролар йиғинларида жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактика чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантиришга қаратилган ишлар кўриб чиқилди. Қримноген вазият нисбатан оғир бўлган маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар, аҳоли билан ишлашга асосланган ижтимоий профилактика механизmlарининг амалий самарадор-

лиги таҳлил қилинди. Бу борада профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари ва бошқа масъул тузилмалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, маҳаллаларда видеокузатув камералари, домофон тизимлари ва "ташвиш тугмалари" ўрнатилиши ҳолати ўрганилди. Ишчи гуруҳ томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини рақамлаштириш орқали "яширин иктисодиёт" улушини қисқартириш, маъий коррупция ҳолатларининг олдини олиш ҳамда тадбиркорлар учун қўлай муҳит яратиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Аҳолини қўйнаб келаётган муаммолар юзасидан фуқаролар билан бевосита суҳбатлар ўтказилди.

Ўрганиш ва таҳлиллар натижалари "маҳалла еттилиги", профилактика инспекторлари ва бошқа масъул ходимлар иштирокида муҳокама қилиниб, аҳоли хавфсизлигини таъминлашда тизимли ёндашувни янада кучайтириш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва профилактика чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Маблағлар сарфланиши қай даражада шаффоф?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан белгиланган мақсадли курсаткиларга эришиш ҳолати ҳамда маблағларнинг сарфланиши бўйича Адлия вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Депутатлар индикаторлар кесимида ўзлаштирилган маблағларнинг мақсадли сарфлангани, нотариал идоралардаги электрон ҳужжат алмашинуви, ҳудудий адлия бўлиmlарида юридик хизмат кўрсатишининг қамраб олингани, лицензиялаш ва рўхсат бериш ҳужжатларини қисқартириш ҳамда соддалаштиришининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, адлия органларининг қонунчилик ҳужжатларини мақбуллаштириш, умумий тусдаги, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларнинг улушини ошириш, кўрсатилган давлат хизматлари ва адвокатлар сонини сезиларли кўпайтиришга эришиш, суд экспертизасининг янги турларини жорий этиш, қабул қилинган мەъриий-ҳуқуқий ҳужжатларни фойдаланувчиларга етказиб бериш ва таништириш бўйича тарғибот-ташвиҳот тадбирларининг самарадорлиги эътибор марказида бўлди.

Йигилишда депутатлар вазирлик томонидан ривожлантириш дастурлари ва мақсадли индикаторларга эришиш учун режалаштирилган маблаққа нисбатан кўпроқ маблағ ажратилганига эътибор қаратди. Уларнинг манбалари ҳамда ажратилиш сабаблари таҳлил қилинди.

Қўмиа мажлисларида вазирлик ва идораларнинг ҳисоботларини мунтазам муҳокама қилиб бориш, фаолият самарадорлигини баҳолаш ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Вазирликларга зарур тавсиялар берилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталарининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қишлоқ ҳўжалиги ва Сув ҳўжалиги вазирликларининг "Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, мақсадли индикаторларнинг бажарилиши тўғрисида"ги ахборотлари эшитилди.

Таъкидланганидек, дунёда кечаётган глобал иқлим ўзгариши аграр ва сув ҳўжалиги соҳасида янги имкониётларни яратиш заруратини юзага келтирмоқда. Мамлакатимизда ушбу соҳаларда катта ўзгаришлар рўй бериб, замонавий бошқаруви ва тежамкор усуллари қўллаш мақсадида тизимли равишда бюджет маблағлари йўналтириб боришмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ахборотида кўра, 2025 йилда республика бюджетидан ажратилган режали маблағлар вазирлик тизимидаги 118 та муассасани молиялаштириш, вазирлик марказий аппарати ва унинг тизимидаги ташкилотлари сақлаш билан боғлиқ ҳамда уларни юксалтириш дастурлари учун харажатлар, шунингдек, Аграрсоноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига йўналтирилган.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан қишлоқ ҳўжалиги мақсудотлари ҳажми режага кўра ижро қилинмагани айтилди. Шунингдек, бевосита натижа кўрсаткичи бўлган республика миқёсида қишлоқ ҳўжалиги экинларида биологик ҳимоя усули қўлланган майдонлар бўйича прогноз режасининг бажарилмагани танқид остига олинди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги ахборотида келтирилганидек, вазирликка ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар учун сув ҳўжалиги соҳасида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида зарур маблағ ажратилган.

Депутатлар вазирлик томонидан бажарилган ишлар билан бирга, айрим ривожлантириш дастурлари ва мақсадли индикаторлар кўрсаткичлари режага нисбатан етарли даражада ижроси бажарилмаган ҳолатларнинг асослари келтирилмаганини қайд этди.

Йигилишда давлат маблағларидан самарали фойдаланиш, бунда мақсадли индикаторлар ижросига қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш ва уни мунтазам амалга ошириш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Яқунда кун тартибидаги масалалар юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Мушоҳада

ЮКСАЛИШНИНГ МАЪНАВИЙ ТАЯНЧИ

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус жамиятда маънавий қадриятлар ва маърифатни юксалтириш, ёшларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ҳамда интеллектуал салоҳиятни ошириш учун мустаҳкам замин яратди.



Мазкур ташаббусларнинг тўртинчиси — аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштиришга қаратилган билан аҳамиятга эга. Бу йўналишдаги амалий ишлар натижасида китобга бўлган муносабат жамият ҳаётида янги мазмун билан бойиб бормоқда. Айниқса, йиғит-қизлар ўртасида ташкил этилаётган "Ёш китобхон" кўрик-танловлари минглаб ўқувчи ва талабаларнинг мутлолаага қизиқишини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2026 йил 15 январдаги "Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Бинобарин, унда аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган аниқ вазифалар, 2026 — 2030 йилларда бир киши ҳисобига тўғри келадиган ўқилган китоблар сонини ўртача 10 тага етказиш каби устурун мақсадлар белгиланди.

Қарорда ёшларни рағбатлантириш механизmlарига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ёшлар ишлари агентлиги вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда икки ой мuddатда энг кўп китоб мутлолаа қилган ўқувчи ва талабаларни аниқлаш тартибини тасдиқлайди. Ушбу тизим орқали "ТОП — 100" таликка кирган ҳар

бир ўқувчи ва талабага Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари даражасида пул муқофоти берилиши назарда тутилмоқда.

Қарор китобхонлик соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласида ҳам янги имкониётларни очиб беради. Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурда Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши ёш ижодкорлар асарларини нашр қилиши, болалар адабиётини рағбатлантириш ҳамда истеъдодли муаллифларни рағбатлантиришда молиявий таянчга айланади.

Шу билан бирга, ҳужжатда миллий ва жаҳон адабиёти ўртасидаги маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган чоралар ҳам ўз ифодасини толган. Хорижий адабиётларни ўзбек тилига, миллий асарларни эса хорижий тилларга ўғирши харажатларининг бир қисмини қўллаб бериш миллий адабиётимизнинг халқаро майдонга чиқишига хизмат қилади.

Аҳоли учун қўлай мутлолаа муҳитини яратиш масаласи ҳам давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланди. 2026 йил 1 февралдан бошлаб "Китоб — маърифат манбаи" дастурининг амалга оширилиши, давлат органларининг китобхонликка оид ах-

боротларини ижтимоий реклама сифатида эътибор этиш, шунингдек, автобус, метро, поезд ва самолётларда "Mutolaa" платформасидан симсиз ёки мобил интернет орқали фойдаланиш имкониётининг яратилиши китобни инсон ҳаётига янада яқинлаштиради. Китобхонлик инфратузилмасини ҳудудлар кесимида ривожлантириш мақсадида ҳам муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Умумтаълим муассасаларида "Жадидлар изидан" китобхонлиги тўғрақларининг ташкил этилиши эса ёш авлодни миллий маънавий мерос руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, вазирлик ва идораларда касбий адабиётлар рўйхатини шакллантириш, ҳар ой китобхонлик соатларини ўтказиш, ички китобхонлик рейтингини жорий этиш ҳамда энг фаол ходимларни моддий рағбатлантириш амалиёти мутлолаани иш муҳитининг ажралмас қисмига айлантирмоқда.

Китоб инсон тафаккурини бойитади, шахс камолотига замин яратади, жамиятда маънавий барқарорликни таъминлайди ҳамда билимли, масъулиятли ва фаол фуқаролар авлодини шакллантиради.

Муҳаммадjon ВАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

СУВНИ ТЕЖАШ — УМУМИНСОНИЙ МАСЪУЛИЯТ

Бугунги ўта мураккаб ва синовли даврда сув масаласи глобал барқарорлик, озик-овқат хавфсизлиги ва келажак авлод тақдири билан боғлиқ стратегик омилга айланди. Иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ортиси ва ресурсларга босим кучайиб бораётган бундай шароитда сувга муносабат тараққиётга муносабат даражасини белгилаб бермоқда. Энди уни тежаш умуминсоний масъулиятдир.

Муносабат



Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги масалага узоқ мuddатли тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда. Сўнгги йилларда, айниқса, қишлоқ ҳўжалигида сувдан самарали фойдаланиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кун кеча давлатимиз раҳбарига сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув тежовчи технологияларни янада кенг жорий қилиш бўйича тақдим этилган янги тақлифлар ҳам бу йўналишдаги ишларнинг мантикий давоми бўлди.

Рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, бугун сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар 2,6 миллион гектарга етган. Бу — сўғориладиган ерларнинг қарийб 60 фоизи дегани. Ваҳоланки, 2017 йилгача бу кўрсаткич атиги 19 минг гектар эди. Энг муҳими, амалга оширилган ишлар натижасида ҳар йили миллиардлаб куб метр сув тежалмоқда. Бу нафақат иқтисодий самара, балки экологик барқарорлик ҳам демакдир. Олдинга қўйилган янги марралар янада катта. Яқин йилларда сув тежовчи технологиялар камровини яна юз минглаб гектарларга кенгайтириш, умумий улушини 80 фоизга етказиш режалаштирилмоқда. Ушбу ислохотлар сув таъминоти оғир ҳудудлардаги фермерлар учун қўшимча имкониёт яратади, тақририй экинлар экишга замин бўлади.

Эътиборли жиҳати шундаки, жараён эндиликда фақат умумий қўллаб-қувватлаш билан чекланмайди. Янги механизмлар тақлиф этилмоқда: сув билан таъминланганлик даражасига қараб солиқ ва субсидия миқдорини белгилаш, оғир ҳудудларда юқори коэффицент қўллаш, ўз маблағи ҳисобидан технология жорий қилаётган ташаббускорларга олдиндан субсидия ажратиш каби ёндашувлар қўлланилади. Бундай ёндашув адолатли ва манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиради.

Шунингдек, томчилатиб ва дискрет сўғоришни фақат айрим экин турлари билан чекламасдан, бошқоқли дон майдонларига ҳам татбиқ этиш учун субсидия бериш тартиби жорий қилинаётгани фермерларнинг қизиқишини оширади. Кредит фоизларининг бир

қисмини қўллаб бериш, кредит маблағларини мавсумдан олдин — ноябрь ойидан ажратиш амалиёти эса режали ишлашга хизмат қилади.

Сифат ва натижа масаласи ҳам четда қолмапти. Энди сув тежовчи технологияларни ўрнатган пудрат ташкилотлари камида икки йил қафолат ва беш йил сервис хизмати кўрсатиши шарт қилиб белгиланмоқда. "Ўрнатдик ва кетдик" деган эскича ёндашувдан воз кечилиб, узоқ мuddатли самарали ишлаш тизими ишга туширилаётгани, айниқса, аҳамиятли.

Назорат тизими ҳам замонавийлашмоқда. "Ақли" сув ҳисоблагичлар, рақамли ахборот тизимлари, дрон орқали мониторинг, текширувларда ёнқамарлардан фойдаланиш каби чора-тадбирларнинг барчаси шаффофликни оширади. Энг муҳим қондалардан бири — субсидия олиб, сув тежовчи технология ўрнатган ҳолда уни ишлашмаслик сувдан ўзбосимчалик билан фойдаланиш сифатида баҳолашни белгилашмоқда. Бу интизомни мустаҳкамлашга, шунингдек, сув тежовчи технологияларни ўрнатиш билан боғлиқ низоларда назорат органларини судга мурожаат қилишда давлат божидан озод этиш ташаббуси соҳада қонунийликни таъминлаш имкониётини беради.

Шу ўринда айтиш керакки, парламент ва депутатларнинг бу жараёнда иштироки, масъулияти бор. Жойларда ўтказилаётган ўрганишлар, фермер ва сувдан фойдаланувчилар билан учрашувлар орқали муаммоларни бевосита ўрганиб, таҳлиллар ўтказамиз. Қолаверса, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, имтиёз ва қафолатларни мустаҳкамлаш, ҳалол тадбиркор манфаатини ҳимоя қилиш бўйича тақлифлар ҳам шу жараёнда шаклланади.

Бугун бир ҳаётий ҳақиқат тобора ўз исботини топмоқда: сувни асраган жамият — ўз келажакини асраган жамият. Мазкур масала энди фақат иқтисодий самара ёки ҳосилдорлик билан ўлчанмайди. У эрининг унумдорлиги, қишлоқ аҳлининг даромади, озик-овқат хавфсизлиги ва экологик мувозанат билан узвий боғлиқ стратегик қадриятга айланади. Шу боис сув тежовчи технологияларни жорий этиш, илмий ёндашув ва замонавий бошқарувни қарор топтириш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган талабидир.

Ҳилола ЮСУПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



ТАЪЛИМ ВА БИЗНЕС УЙҒУНЛИГИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2026 йилда амалга оширилаётган энг муҳим йўналишлардан бири — касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратишдан иборат эканини таъкидлади.

Мутлолаа

Ҳозирги вақтда янги технологиялар, рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект ҳаётимизга кескин кириб келаётган даврда рақобатга чидамли бўлиш учун малакали касб эгалари ва мутахассисларга айланиш, айниқса, ҳусусий бизнес ҳамда тадбиркорлик тизимида муҳим аҳамиятга эга. Замон талабига жавоб берувчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, бизнес билан уйғунлаштириш ҳамда бозор, истеъмолчи эҳтиёжларини қондиришда маркетингларнинг ўрни каттадир.

Бу борада Ўзбекистон маркетинг уюшмаси вакиллари Диёр Мирзаахмедов, Бахтиёр Тўхтаев ва Малика Усмонова томонидан тайёрланган "Бизнес ва маркетинг" илмий-оммабоп асарини юқорида таъкидланган вазифаларнинг

маълум бир қисмини амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур китоб, асосан, тадбиркорларга мўлжалланган бўлиб, унда маркетинг соҳасига алоқадор 20 та долзарб саволга тўлиқ жавоб берилган. Муаллифлар уюшманинг тажрибасидан фойдаланган ҳолда, мамлакатимизда тадбиркорлик йўналишидаги ютуқлар ва хорижий экспертларнинг тавсиялари асосида маркетинг соҳасидаги долзарб саволларга жавоб топишга интиланган. Ва ушбу китоб маълум тажрибаю кўникмага эга бўлган ҳамда ўз бизнесини янги даражага олиб чиқишга ва барқарор ривожланишга интилувчи тадбиркорлар учун мўлжалланган.

Таъкидлаш жоизки, маркетинг фақатгина реклама ёки савдо эмас, балки бо-

зорни, ҳамкорлар, рақобатчилар, энг асосийси, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини чуқур тушуниш ва стратегик режалаштириш, иқтисодиётнинг асосий талабларидан бўлмиш чегараланган ресурслардан оқилона фойдаланиб, тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан иборат.

Фикримизча, ҳали маркетинг атамаларини талқин этишда маълум тушунтириш ишлари олиб борилиши жуда муҳим. Масалан, банк, соғлиқни сақлаш, савдо тизимида ҳар бир истеъмолчига "михоз" деб мурожаат қилинади. Бундай ҳолат маркетинг ёндашуви бўйича урилни эмас. Бизнинг тасаввуримизда барча эҳтиёжманд аҳоли истеъмолчи бўлса, унинг аксарияти қисми харидорга айланади. Яъни иқтисодий имкониётга эга бўлган истеъмолчи бозор ёки дўконда харид қилса, харидорга айланади.

Агар харидорга ушбу хизмат кўрсатувчи субъект маълум келса, унинг хоҳиш-истакларига мос тушса, унда михозга, доимий харидорга айланиши мумкин. Негаки, михоз бўлиш учун "истеъмолчи — харидор — михоз" тизими мавжуд бўлиб, бунда савдо ёки бошқа хизмат кўрсатув-

чи бизнес вакилларига михоз, бошқача айтсак, доимий харидор оддий истеъмолчи ёки харидорга нисбатан 5-6 мартабага фойдаланароқ бўлиб, бу реклама, улар билан ишлаш ва бошқа харажатлар миқдорини камайтиради.

Ҳар бир бизнес юритувчининг мақсади ҳам кўпроқ фойда олишга интилишдан иборат. Аммо уни амалга ошириш учун, юқорида таъкидланганидек, кўпроқ харидорни михозга айлантиришга ҳаракат қилиш лозим. Шу маънода, "Бизнес ва маркетинг" китоби бизнес юритувчилар ва кенг оммага мўлжаллангани, ҳозирги кун талабларига мос келиши ҳамда маркетинг соҳасида назарий-амалий билимларни ўзлаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, маркетинг фаолиятининг асосий мақсадларидан бири — истеъмолчиларнинг истеъмол маданиятини ошириш асосида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитга камроқ зарар етказиш, келажак авлод олдидаги масъулиятни янада оширишни таъминлашдан иборат.

Мурат ИКРАМОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори.

Учинчи Ренессанс:

БУЮК ШОИР ДАҲОСИДАН КУЧ ОЛГАН ҒОЯ



Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, дунёдаги ҳеч бир цивилизация, ҳеч қайси Ренессанс жараёни ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. У, албатта, мустақам маънавий илдирига, қудратли тафаккур қувватига таянади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бунёд этилаётган Янги Ўзбекистон ва қўзланаётган учинчи Ренессанснинг ҳам аниқ тарихий ва ғоявий асоси бор. Бу — беш ярим аср муқаддам башариатга "Комил инсон" ва "Адолатли жамият" андозасини тақдим этган Алишер Навоий феноменидир.

вазифаларни қўймоқда. Ҳўш, бу улғувор бинони қандай барпо этамиз? Унинг пойдевори фақат иқтисодий рақамлар ёки замонавий технологиялардан иборатми?

Йўқ, албатта. Ҳар қандай юксалишнинг ибтидоси — тафаккур янгилиши. Биз бугун кураётган демократик жамиятнинг назарий чизмалари Алишер Навоий ғояларига уйғундир. Шу маънода, бу улғу сиймо биз учун шунчаки фахрлининг объекти ёки музей экспонати эмас. Навоий даҳоси — бугунги ислохотларимизнинг маънавий драйвери, эртанги кунимизнинг ғоявий компаси. Шу боис улғу аждодимиз меросига муносабат бу келажакка муносабатдир.

муқофот туркий дунёнинг ўзига хос "Нобель"ига айланади, жаҳон олимлари ва тадқиқотчиларини буюк меросимизни ўрганишга рағбатлантироқда. Бугунги кунда Самарқанднинг "Туркий цивилизация пойтахти" деб эълон қилиниши, Навоий асарларининг инглиз, француз, немис тилларига тўлиқ таржимаси Ўзбекистоннинг мустақадаги маданий лидерлик макomini мустақамламоқда.

Алишер Навоий энди фақат ўзбек шоири эмас, балки башариат мутафаккири сифатида қабул қилинмоқда. Унинг асарлари бизнинг жаҳон цивилизациясига тақдим этаётган энг ишончли "маънавий паспортимиз"дир.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг маънавий руҳи

Биз бугун ўз олдимиизга асарларга татиғулик улкан мақсадларни қўйдик. Президентимиз томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси мамлакатимизни ҳар томонлама эркин, обод ва фаровон давлатга айлантиришнинг аниқ "Йўл харитаси"дир.

Стратегиянинг ҳар бир банди халқимизнинг асрий озуларига ва буюк мутафаккирларимизнинг давлатчилик қарашлари билан суғорилган. Ушбу тарихий ҳужжатнинг устувор йўналишлари Алишер Навоий ғояларига уйғун. Жумладан, Стратегиянинг биринчи ва энг муҳим йўналиши таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимояга қаратилган. Бу — улғу шоир бутун умри давомида қуйлаган "Комил инсон" тарбиясининг замонавий моделидир. Аллома инсон қадрини унинг билими ва саломатлигида кўрган. Бугунги кунда мактабга таълимдан тортиб олий таълимга бўлган қамровнинг кенгайтирилиши маърифатли жамиятни қуриш йўлидаги энг катта қадамдир.

Стратегияда аҳоли даромадларини ошириш ва барқарор иқтисодиётни таъминлаш асосий вазифа этиб белгиланган. Навоий ўз даврида: "Мулк аҳли бошига олтин била дурлар сочар" деганда, айнан давлатнинг иқтисодий қудрати халқ дастурқонда сезилиши кераклигини назарда тутган. Камбағалликни қисқартириш бўйича бугунги давлат сиёсати шоирнинг саховат ва ҳиммат ҳақидаги ўғитлари билан бевосита ҳамоҳангдир.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида экология ва сув масаласи алоҳида ўрин тутди. Навоий асарларида сув — ҳаёт манбаи, табиат эса илоҳий мўъжиза сифатида улғуланади. Унинг боғлар яратиши, ариқлар қазиб ҳақидаги ташаббуслари бугунги "Яшил макон" умумийлиги лойиҳасида ўз аксини топмоқда. Навоийнинг табиятни асраш ҳақидаги қарашлари бугунги экологик муаммолар ечимида бизга маънавий кўч беради.

Стратегиянинг ҳуқуқий йўналиши халқчил давлат қуришни мақсад қилади. Бу ғоя илдири Алишер Навоийнинг "Сади Искандарий" асарида яққол ифодаланган:

Бу янгилик кишикам қилурсен сўроқ Ки, андин раиятқа етгай фароқ.

Асада Искандар ҳокимиятга зўравонларни эмас, балки халққа наф келтирадиган, адолатли шахсни ҳоким қилиб қўйиш заруригини сўраб, "раиятқа етгай фароқ" бўладиган одамни излайди. Халқ эса подшоҳга айнан раиятнавоз, золимликдан йироқ, мансабдан воз кечиб ҳақни танлаган шахсни кўрсатади. Искандарнинг бундай шахсни олдиға чақириб, хурмат билан тинглаши ва унинг ҳикмати қабул қилиши раҳбарнинг халқ олдиға маънавий ҳисобдор эканини, ҳокимият эса адолатта сунянгандегина қиймат касб этишини кўрсатади.

Бугун Ўзбекистонда давлат хизматларининг рақамлаштирилиши, бюрократиянинг камайрилиши Навоий орузи қилган, халққа энгиллик яратувчи адолатли тизимнинг амалий ифодасидир.

Биз учинчи Ренессанс сари дадил қадам ташлар эканмиз, Алишер Навоий ҳикматлари йўлчи юлдузини бўла олади. Шу маънода, буюк шоир асарлари энди китоб жавонларимизда чанг босиб ётадиган кўркам муқовали сувенир эмас, балки ҳар бир вақир, ҳар бир ҳоким, умуман, ҳар бир юрtdошимизнинг чинакам ҳамроҳига, виждон ойнасига айланаши шарт.

Тарих гувоҳ: иккинчи Ренессанс Амир Темур қудрати ва Алишер Навоий тафаккури уйғунлигида чўққига чиққан эди. Ишончимиз қомилки, учинчи Ренессанс ҳам буюк мутафаккирни чуқур англаган, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини ўз ҳаётининг мазмуни деб билган Янги Ўзбекистон бунёдкорлари томонидан яратилган. Зеро, Алишер Навоий нури буюк келажақ йўлимизни ёритиб турувчи сўнмас мабқдир.

Мунисжон ҲАКИМОВ, ЎЗР Фанлар академияси Алишер Навоий номидиға давлат адабиёт музейининг нодир қўлёзмалар бўлими мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.



«Баҳром мовий қасрда». Камалиддин Бехзод рабарлигидаги Хирот расмлик мактаби намояндари ижоди.

орзулари рўёбға чиқаётгани ифодасидир.

Учинчи Ренессанс пойдеворини кураётган бугунги давлат хизматчиси — хоҳ у вақир бўлсин, хоҳ ҳоким — ўз фаолиятида Навоий чизган "Комил инсон" андозасига интилиши шарт. Улғу мутафаккир таъбири билан айтганда: "Илгимдан келганча тилгн ушотиб, мазлум жароҳатига интиком марҳамин қўйдим", деган фойдйлик туйғуси ҳар бир раҳбарнинг қалбида бўлмоғи лозим.

Умуман, Навоий асарларидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар — бугунги давлат хизматчиси учун тўғри кўрланмадир. Зеро, адолат ва қонун устуворлиги таъминланган юрtdаги Ренессанс ҳақиқатга айланади.

Миллий ўзлик ва глобал эътироф

Ҳозирги шиддатли глобаллашув даврида, маданиятлар қоришиб кетаётган бир пайтда, ҳар қандай мустақил давлат олдиға турган энг стратегик вазифа — ўз миллий қиёфасини, тили ва ўзлигини сақлаб қолиш. Агар иқтисодий ва армия мамлакатнинг жисмоний қудрати бўлса, тил ва адабиёт унинг руҳи ва маънавий иммунитетидир.

Алишер Навоий бу ҳақиқатни ўз давридаёқ стратегик даражада англаган буюк сиёсатчи эди. XV асрда форс тили ҳукмрон бўлиб турган бир шароитда, у ўзининг "Муҳокамат ул-луғатайн" илмий асарини ёзиб, жасорат кўрсатди. Шоир ўз она тилини "ҳазинабонис қолган ҳазина"га, "пардосиз гўзал"га ўхшатиб, унинг нақадар бой ва ҳар қандай мураккаб фалсафий фикрни ифодалашға қодир эканини исботлаб берди. Мутафаккир туркий тили илм ва санъат тили даражасига кўтарди.

Бугунги Янги Ўзбекистонда давлат тилининг нуфузини ошириш, лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосини ислох қилиш бўйича олиб борилаётган катъий сиёсат Навоий бобомиз бошлаган курашнинг мантиқий давомидир.

Яқин тарихимиздаги энг улғувор воқелик — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг олий минбаридан туриб, соф ўзбек тилида нутқ сўзлаши бўлди. Дунёнинг энг ийрик сиёсий сахнасида Навоий тилининг жанранглаши — бу шунчаки нутқ эмас, балки 38 миллионлик халқнинг гурури ва буюк шоир орзуларининг юксак рўёби эди. Мазкур воқеа ўзбек тилининг халқаро дипломатия тилиға айланаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон бугун дунёға фақат пахта ёки қазилма бойликлари билан эмас, балки ўзининг юксак маданияти билан бўй кўрсатмоқда. Замонавий дунёда "Юшмоқ куч" (Soft Power) тушунчаси мавжуд бўлиб, бу мамлакатнинг маданияти орқали обрў қозонишидир. Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Алишер Навоий номидиға халқаро муқофотнинг аҳамияти беқиёс. Ушбу

қамлаштирилиб, ёшларға қулай мобиль иловалар ва электрон платформалар шаклида тақдим этилаётгани қувонарли ҳол. Бугун Навоий замонавий ёшлар билан "рақамли технологиялар тили"да сўзлашмоқда, десак, муболага эмас.

Демак, учинчи Ренессанс пойдевори — бу билим. Навоий ўғитлари билан қуролланган ва замонавий илм-фанни эгаллаган ёш авлодига Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқа олади.

Адолатли раҳбар концепцияси

Ҳар қандай Ренессанс жараёни илм-фан билан бир қаторда мустақам қонунчилик ва ижтимоий адолат муҳити яратилгандагина воқеликка айланади. Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда амалға оширилаётган мазмурий ислохотлар, суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви ва "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаларининг туб фалсафий илдирилари Алишер Навоийнинг давлатчилик қарашлари билан бевосита боғлиқ.

Улғу мутафаккир ўз даврининг йирик давлат арбоби сифатида мамлакатни бошқаришнинг мураккаб механизмларини ичидан билган. У ўзининг "Сади Искандарий" ва "Маҳбуб ул-қулуб" каби мухташам асарларида мукамал давлат бошқаруви ҳақидаги адолатли раҳбар концепциясини ишлаб чиққан эди. Жумладан, "Маҳбуб ул-қулуб" асарида давлат раҳбари ва адолатли бошқарув моҳиятини шундай таърифлайди:

"Один подшоҳ Ҳак таолодин халойиққа раҳматдур ва мамоликка мужиб амният ва рафохият. Кўеш била абри баҳор (баҳор булут) дек қаро туфрогдин гуллар очар ва мулк аҳли бошиға олтин била дурлар сочар".

Ушбу пурмаъно сатрларда Навоий давлатчиликнинг учта асосий устунини кўрсатиб берган:

Амният (Хавфсизлик): тинчлик бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш бўлмайди. Шу маънода, бугунги таҳликали дунёда юртимиздаги тинчлик-осойишталик — энг катта бойлигимиздир.

Рафохият (Фаровонлик): раҳбарнинг асосий вазифаси — халқнинг турмуш даражасини ошириш. Шоирнинг раҳбарни "баҳор булут"га ўхшатиши бежиз эмас. Булут ёмғир ёғдириб, қора тупроқдан гул ундирганидек, одил раҳбар ҳам ўз сиёсати билан мамлакатни гуллатиб-яшнатади.

Иқтисодий юксалиш: "Мулк аҳли бошиға олтин сочар" деганда халқнинг бойиши, даромадининг ошиши назарда тутилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган "Яшил макон" умумийлиги лойиҳаси, "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари Алишер Навоий айтган "қора тупроқдан гул очиш" ғоясининг айна амалий ифодаси эмасми?!

Шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш сиёсати мутафаккир бобомиз орузи қилган фаровон (рафохият) жамият сари ташланган дадил қадамдир. Бугунги Янги Ўзбекистон стратегияси айнан шу мезонға асослангани билан ҳам аҳамиятли.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётға қўнган виртуал қабулхона, Халқ қабулхоналари ва маҳаллабай ишлаш тизими улғу шоир орузидаги раҳбар ва халқ ўртасидаги тўсиқсиз мулоқотнинг амалий ифодасидир.

Давлат хизматчиси қиёфаси

Навоий жамиятни ичидан емирувчи иллат — порахўрлик ва тамағирликка қарши аёвсиз курашган. У "Маҳбуб ул-қулуб" асарида ноинсоф қозилар ва порахўр мулозимларни қаттиқ танқид қилиб, уларни "илон захрини шакар ичиға яшириб берувчи" мунофиқларға тенглаштиради.

Шоирнинг фикрича, адолат тарозиси бузилган жойда барака учади, давлат завог топади. Янги Ўзбекистонда очилик сиёсатининг жорий этилиши, Давлат бюджетининг шаффофлиги ва коррупцияға қарши муросасиз кураш эълон қилингани Навоий бобомиз

Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига

«Инсон қадри» тамойилининг тарихий илдири

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон давлатчилигининг бош ғояси, барча ислохотларнинг марказий ўзаги битта муқаддас тамойилда муҳассас: "Инсон қадри учун!"

Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизға хизмат қилиши керак" деган машҳур даввати жамиятимиз ҳаётини тубдан ўзгартирди. Теран назар ташласак, бу демократик тамойилнинг илдирилари бундан беш ярим аср муқаддам ҳазрат Навоий томонидан кўтарилган эзгу ташаббусларға бориб тақалади.

Навоий даҳоси шундаки, у инсоннинг қадрини мансаб, бойлик ёки насаб билан эмас, балки унинг жамиятға келтирган фойдаси, ўзгалар дардиға дармон бўлиши билан ўлчаган. Унинг:

Одамий эрсанг, демағил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами,

деган ўлмас сатрлари шунчаки шеърй мисра эмас, балки қомил инсон ва одилона жамиятнинг "Ахлоқ кодекси"дир.

Бугунги кунда раҳбарларнинг маҳаллама маҳалла юриб, одамларнинг муаммосини ўрганиши, "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" каби тизимларнинг яратилиши — буюк шоир орузи қилган "инсонпарвар давлат" моделининг амалий ифодаси. Навоий ўз даврида мухташамларга эрдан бериш учун "Вақфия"лар ташкил этиб, ўз маблағидан кўприқлар, работлар ва шифохоналар қурдиргани тарихдан маълум. Бугунги ижтимоий ҳимоя сиёсати ана шу тарихий анъананинг мантиқий ва замонавий давомидир.

Демак, мутафаккир бобомиз асарлари биз учун фақат бадийий завк манбаи эмас, балки маънавий Конституция вазифасини ўтамоқда. У бизға эслатиб туради: давлатнинг кучи унинг ҳазинасидаги олтин билан эмас, балки фуқароларининг бахти, тинчлиги ва фаровонлиги билан ўлчанади. Халқни рози қилиш тамойили буюк аждодимиз васиятиға энг катта садокатидир.

Таълим ва инновация: тамаддун драйвери

Мозийға боқар эканмиз, дунёдаги ҳар икала Уйғониш даври ҳам айнан илм-фаннинг юксалиши, маорифнинг кенг қулоч ёйиши эвазига содир бўлгани аёнлашади. Алишер Навоий бу ҳақиқатни теран англаган ҳолда, ўз даврида нафақат қалам аҳлиға, балки олимлар, меъморлар, табиблар ва мусиқачиларға ҳам ҳомилий қилган ҳақиқий маърифатпарвар эди.

Унинг ташаббуси ва ўз маблағлари ҳисобидан Хиротда барпо этилган "Ихлосия", "Нисомия" каби мадрасалар, "Шифоийа" шифохониси ўша даврининг ўзига хос академиялари вазифасини ўтаган. Навоий қуруқ ёдлашға асосланган илми қоралаб, инсонға ва жамиятға фойдаси тегадиган билимини улғулаган. Унинг "Маҳбуб ул-қулуб" асаридаги:

Илм ўқуб қилмаган амал мақсуд, Дона сочиб кўтармади ҳақсўз

(Мазмуни: илми ўрганиб, унға амал қилмаган инсон ерга уруғ сочиб, ҳосил олмаган деҳқон кабир) деган ўлмас ҳикмати бугунги рақамли иқтисодиёт асарида ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Бугун бизға шунчаки дипломли кадрлар эмас, балки олган билимини халққа нафи тегадиган реал лойиҳаға айлантира оладиган инноваторлар керак.

Айнан шу нуқтаға назардан қараганда, сўнги йилларда юртимизда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Президент мактаблари, ижод мактаблари ва Янги Ўзбекистон университетлари Алишер Навоий бошлаган маърифат йўлининг янги, замонавий босқичидир. Бу таълим масканларида тарбияланаётган ёшлар учинчи Ренессанснинг асосий драйверлари бўлади.

Шунингдек, бугун улғу шоир меросиға муносабат ҳам инновацион тус олмоқда. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида буюк мутафаккир учун махсус мухташам зал ажратилиши, унинг нодир қўлёзмалари ра-

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

КАСБИЛИК ДЕҲҚОН БАНАНЗОРИ

Мамлакатимизда томорқачилик изчил ривожлангани сайин юрtdошларимизда бу соҳадаги билим ва тажриба ҳам тобора бойиб бормоқда. Замонавий технологиялардан самарали фойдаланиб, харидордир ва ноёб маҳсулотлар етиштириш орқали ҳатто бир парча ердан ҳам миллионлаб даромад олаётган хонадонлар сони ортаётгани бунинг исботи.

Касби туманининг Жизза маҳалласида томорқачилик яхши йўлга қўйилган. Бу ерда олтимизға яқин хонадон эгалари иссиқхона шариолида лимон, апельсин, мандарин, банан каби тропик меваларни парваришлаб, мўмай даромад топмоқда. Ана шундай меҳнаткаш деҳқонлардан бири шу маҳаллада истиқомат қилувчи Тура бобо Дониёров бўлиб, у бананчиликни оиланинг асосий даромад манбаиға айлантирган.

— Бир неча йил аввал Андижон вилоятидан 250 туғ банан қўчатини олиб келиб, иссиқхонаға экиб кўрдик, — дейди Тура бобо. — Утган йилдан бошлаб бананларимиз ҳосилға кирди. Ҳар бир туғдан 20 — 30 килограммға ҳосил оляптим. Шу билан бирға, иссиқхонада минг туғдан зиёд банан қўчатларини етиштириши ҳам йўлга қўйдик. Келгусида қўчатчиликни янада ривожлантириши режалаштиряптим.

Дарҳақиқат, томорқа — ризқ-насиба, баракали даромад манбаи. Бу Тура Дониёров турмуши ва фаолияти мисолида яна бир бор ўз аксини топмоқда.

Ҳаҳонир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

УЧҚҮРҒОНЛИК ЁШЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАСИ

Учқўрғон туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг иқтидорли ўқувчилари — Нафиса Дилмуродова, Муҳаммадзиз Мамажонов, Фахриддин Файзиёв кишлоқ ҳўжалиги соҳасида муҳим амалий аҳамиятға эға бўлган "AgroTech" қурилмасини яратди. Мазкур лойиҳа уруғларни 48 соат ичида экишға тайёр қўчат ҳолатиға келтириш имконини беради.

Анъанавий уруғ ундириш усулларига мўқобил ушбу қурилма замонавий агротехнологияларға асослангани билан ажрალიб туради. "AgroTech" ишлаш жараёнида дастлаб уруғлар 22 — 25°C ҳароратда 24 соат давомида ундирилади. Кейинги босқичда эса махсус фитоледа нурлар ёрдамида қўчаттирилган фотосинтез жараёни йўлга қўйилиб, ўсиш суръати сезиларли даражада тезлаштирилади. Орадан бир кун ўтиб тўлиқ шакланган ва экишға тайёр қўчатлар олинади.

— Янги қурилмада микроиклим кўрсаткичларини назорат қилиш учун ҳарорат ва намлик сенсоридан фойдаландик, — дейди Нафиса Дилмуродова. — Барча жараён тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, бошқарув "Arduino Mega 2560" платформаси орқали амалға оширилади. Ўсимликларнинг ўсишини таҳлил қилиш ҳамда натижаларни прогноллаш эса сунъий интеллект элементлари асосида бошқарилади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

ТҮЙИМЛИ ОЗУҚА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Олот туманидаги Човдур маҳалласида пешқадам тадбиркорлардан бири бўлган Рустам Самандаровнинг чорва фермасида айни кишкоровли қулларда ҳам ям-яшил майсалар барқ уриб ўсаяпти. Яъни ишбилармон махсус бинода донни намлатган ҳолда гидропоника усулида яшил озуқа етиштирмоқда.

Ҳисоб-китобларға қараганда, бир килограмм буғдойдан етти килограмм яшил озуқа олиш мумкин. Атиги етти-саккиз кунни талаб қиладиган бу усул шарофати билан ўнлаб гектар экин майдони, сувни тежаб қилиш имконияти юзаға келяпти. Негаки, гидропоникада сув экиннинг илдиғи қисмиға берилса, кифоя. Қолаверса, бундай усулда етиштирилган озуқа жуда тўйимли. Унинг чорва молларида ҳазм бўлиш даражаси 90 — 95 фоизни ташкил этади. Бошқача айтганда, озуқа нишҳурда чиқмайди.

Дарвоқе, Р. Самандаровнинг фермасида "Арашан" зотиға мансуб 100 бошдан зиёд қўйлар боқияпти. Эътиборлики, биз кўриб оладиган қўйлардан фарқи — улар икки йил давомида уч бор қўзилайди. Шундай зотли уч ойлик қўзининг бозордаги баҳоси эса тўрт миллион сўмдан кам эмас.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Ўтган йили тасвирга олинган янги ўзбек фильмлари 1 — 25 февраль кунлари пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида бепул намойиш этилмоқда.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, including contact information for the editor-in-chief, subscription details, and a QR code.